

Шароф Рашидов туманда “Мулканлик” МФЙ худудида жойлашган 29-сонли
мактабга қўшимча ўқув биноси қуриш ишлари бўйича

ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ № 9

2022 йил 01 июн

Ш.Рашидов т.

Биз қуйида имзо чекиб тасдиқловчилар комиссия раиси Шароф Рашидов туман халқ таълим бўлимининг раҳбари Д.Носиров, комиссия котиби бўлим бош ҳисобчиси С.Пардаев, аъзолари бўлим ходимлари Ш.Назирова, Ш.Тангатов, О.Раҳмонкулов, Д.Яхшиев Шароф Рашидов туманда “Мулканлик” МФЙ худудида жойлашган 29-сонли мактабга қўшимча ўқув биноси қуриш ишлари бўйича 30 май 2022 йил 22110012091137 -сонли ЛОТ билан 890 423 045(Саккиз юз тукксон миллион тўрт юз йигирма уч минг қирк беш) сўмлик 29-сонли мактабга қўшимча ўқув биноси қуриш ишлари учун тендер танловига қўйилган.


2022 йил 30май куни 22110012091137-сонли ЛОТ билан танловда иштирок этган корхоналар ичида “ООО ORZU KAPITAL NUR” МЧЖ 890 423 045 (Саккиз юз тукксон миллион тўрт юз йигирма уч минг қирк беш) сўмлик 29-сонли мактабга қўшимча ўқув биноси қуриш ишлари бўйича танлов ғолиби бўлган.

Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларига 2022 йил 30 май куни танловда ғолиб бўлган “ООО ORZU KAPITAL NUR”МЧЖга дастурда шаклланган 91137-сонли баённомасига кўра ЎРҚ 684-нинг 7-8 бандига мувофиқ баённома тузилган 2 (икки) иш куни муҳокамада турди ва ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли ушбу “ООО ORZU KAPITAL NUR”МЧЖ билан 2022 йил 01 июн 2022-226-3-46-ХТ-сонли пудрат шартномаси тузишга келишилди.

Комиссия раиси:

комиссия котиби:

комиссия аъзолари:



Д.Носиров

С.Пардаев

Ш.Назирова

Ш.Тангатов

О.Раҳмонкулов

Д.Яхшиев

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «1» 6

2022-226-3-46-ХТ-

Ш.

СОН

Шароф Рашидов туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Бюджет асосида фаолият юритувчи раҳбари Д.Носиров ва “ORZU CAPITAL NUR” МЧЖ (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.Мухиддинов мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Ш.Рашидов туман Мулкбиллик МФЙ ҳудудида жойлашган 29-сонли мактабга қўшимча ўқув битоси қуриш.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорда бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсуе ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш. 3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини қўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблаш ишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар йетаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги туғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи

пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 890 423 045 (Саккиз юз тўқсон миллион турт юз йиғирма уч минг қирқ беш) сўми ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фозидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фозидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик қоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши натижасида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини суесткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўнра ошиб кетганда;
-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Коррупсияга қарши шартлашув.

9.1 Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар

ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. 9.2 Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

10. Яқиний қондалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3. Шартномага

илова _____

11. Тарафларнинг реқвизитлари ва имзолари:

Пудратчи:

“ORZU CAPITAL NUR” МЧЖ
Манзил: Зиекор КФЙ Сангзор к 110-уй
Тел./факс: +998 93 309 00 10
(х/р): 2020 8000 7050 8455 1001
Банкноми: "Хамкорбанк" Жиззах ф
МФО: 01117
СТИР: 306 469 566
ИФУТ: 61110



Буйуртмачи

Шароф Рашидов туман ХТБ
Манзил: Ш. Рашидов тумани Уч-тепа
дахаси
ШҒХ* 401722860082127092100075010
Ташкилотнинг СТИРи: 201 369 776
Шароф Рашидов тумани бўйича
Ҳазначилик бўлинмаси
ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг
Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014
Ҳазначилик бўлинмасининг
СТИРи: 201 122 919
Раҳбар: Д. Носиров





Ў112

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SHAROF RASHIDOV TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

131100, Sharof Rashidov tumani, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy.

ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури: **Шартнома №**
2. Лойиҳанинг номи:

Шароф Рашидов туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Бюджет асосида фаолият юритувчи раҳбари Д.Носиров ва “ORZU CAPITAL NUR” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.Мухиддинов мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Рашидов туман Мулкдорлик МФЙ ҳудудида жойлашган 29-сонли мактабга қўшимча ўқув биноси қуриш.

Мазкур шартноманинг баҳоси 890 423 045 (Саккиз юз тўқсон миллион тўрт юз йиғирма уч минг қирқ беш) сўмни ташкил қилади.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот;

Ш.Рашидов туман халқ таълим бўлими томонидан 2022 йил 30 май куни юридик марказга юборилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни тузиш мақсадга мувофиқ.

Марказ бош юрисконсульти



А.Баратов